

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДА ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАР

**Турдиева Якитжон Хайитбаевна**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси

**Норхўжаева Иродахон**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада бюджет харажатларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш қўйилmalarини амалга ошириш масалаларига бағишланган бўлиб, бу бўйича хулоса ва таклифлар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Бюджет харажатлари, ижтимоий харажатлар, соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатлар, таълимга йўналтирилган бюджет харажатлари.

**Abstract:** This article is devoted to the issues of implementation of the improvement of the mechanism for the implementation of budget expenditures, on which conclusions and proposals were made.

**Keywords:** Budget expenses, social expenses, health-oriented expenses, education-oriented budget expenses.

Республикамизда бу йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилинган экан, барча соҳалар каби, ижтимоий соҳаларда ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш давр талабидир.

Мухтарам президентимизнинг: “Беҳисоб шуқур, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда. Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси

тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланимиз.”<sup>38</sup> - деб айтгани бунга яққол мисол бўла олади.

Аҳолини ижтимоий химоялаш , аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими, кадрлар тайерлаш ва таълим тизимини ривожлантириш шулар жумласидаги энг долзарб вазифалардан бири булиб ҳисобланади.

Инсонга эътибор деганда , энг аввало , инсон манфаатлари кўзланади. Зеро, ислохотлар жараенида республикамызда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалга ошириш масаласига катта эътибор қаратилади.

Жамият ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган иқтисодий ривожлантириш давлат молия ва бюджет сиёсатининг негизини ташкил этади. Чунки , ҳар бир инсоннинг , қолаверса , миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.

Бюджетнинг ижтимоий соҳа харажатларини режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби , унинг меъёрий , ҳуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини , шунингдек, мамлакат бюджети тузилишининг назарияси ва услубиёти масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтириш вазифаларининг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий – маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳаларда ислохотлар амалга оширилмоқда.

<sup>38</sup> Ш.М.Мирзиёев . Мурожаатнома <https://xabar.uz/1ze2>

Буни қуйидаги кўрсаткичларда аниқ кўришимиз мумкин. Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.<sup>39</sup>

Инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала бўлганлиги сабабли охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилди.

Бу даврда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етди. Ҳозирги вақтда яна 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.

**Таълим сифатини ошириш** — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир. Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

*«Заковат бор жойда улуглик бўлади,*

*Билим бор жойда буюклик бўлади».*<sup>40</sup>

Шу боис, биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни кўллаб-қувватлашга қаратилиши назарда тутилябди.

«Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади».<sup>41</sup>

2023 йилда 70 та янги мактаб қурилиб, 460 та мактаб кенгайтирилиши кутилаябди.

Йил бошидан Қорақалпоғистон ва Хоразмда 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш йўлга қўйилди ва келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри

<sup>39</sup> Ш.М.Мирзиёев . Мурожаатнома <https://xabar.uz/1ze2>

<sup>40</sup> © Зиё истаган қалблар учун. 2004-2021

<sup>41</sup> Ш.М.Мирзиёев . Мурожаатнома <https://xabar.uz/1ze2>

мактабларида ҳам жорий этилиши ва бунинг учун 2,3 триллион сўм ажратилиши режалаштирилди.

Бу йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилиши кутилаябди.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу — 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп.

2023 йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилиши кутилмоқда.

Ушбу жадвалда 2023 йилда ижтимоий сохага йўналтирилаётган харажатлар режаси кўрсатилган:

- ▶ 1. Халқ таълими вазирлиги — 26,7 трлн (25,8 трлн)\*\*;
- ▶ 2. Мактабгача таълим вазирлиги — 8 трлн (6,5 трлн);
- ▶ 3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги — 6 трлн (4,1 трлн);
- ▶ 4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги — 3,66 трлн (3 трлн);
- ▶ 5. Маданият вазирлиги — 746 млрд (728 млрд);
- ▶ 6. Спортни ривожлантириш вазирлиги — 1,219 трлн (қайта ташкил этилди);
- ▶ 7. Инновацион ривожланиш вазирлиги — 1 трлн (843,3 млрд);<sup>4</sup>

Изоҳ\*: Молия вазирлиги харажатлари кесимида жуда кўплаб ижтимоий харажатлар, ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш ва бошқа харажатлар ўрин олган.

Изоҳ\*\*: ўтган йилги харажатлар.

Дарҳақиқат, янги ижтимоий – иқтисодий шароитларда ижтимоий сохаларни молиялаштириш тизими хаёт қўяётган талаблар ва ушбу соҳанинг ахамияти нуқтаи-назаридан такомиллаштирилиши керак.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича хулоса килиш мумкин:

-соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимининг асосий бўғини поликлиника хизматини кучайтиришга, қишлоқ тиббиёт шаҳобчалари фаолиятини ривожлантиришга қаратилиши лозим;

- ижтимоий – маданий соҳалар харажатларини давлат бюджетидан, шунингдек , ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш имкони яратилади. Таълим тизимида хомийлар маблағларини жалб қилишдан ташқари, бир неча йўналишлар бўйича бюджетдан ташқари даромадлар топишга қаратилган фаолиятларни кучайтириш лозим.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда , таълим соҳасида номарказлаштириш тенденциясини кучайтириб, бошқариш ва молиялаштириш ваколатлари ва функцияларининг бир қисмини марказдан қуйига, маҳаллий бюджетларга бериш натижасида бошқариш , режалаштириш ва молиялаштириш жараёнида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ш.М.Мирзиёев . Мурожаатнома <https://xabar.uz/1ze2>
2. Т.Маликов , О.Олимжонов «Молия»
3. Газета.uz «2023 йил учун давлат бюджети: Асосий курсаткичлар»  
<https://lex.uz/docs/4790646>